



САКЛАР, шаклар — Осиё даштларининг чорвадор аҳолиси. Археологик адабиётларда бу давр «Илк темир даври», «Илк кўчманчилар даври», «Саклар даври» сифатида маълум. Геродотнинг ёзишига караганда, Евросиё чўлларининг кўчманчилар дунёси шим. ва шарқий Кора денгиз бўйи кабилаларидан бирининг номи билан скуда кейинрок сколотлар деб аталган. Юнонлар эса уларни скифлар деб юритганлар.

Археологик материаллар таҳлилига кўра, мил. ав. 8—2-а. ларда Хитойнинг Хуанхэ дарёсидан то Дунайгача кенгликда яшаган дашт кабилаларига тегишли «хайвон тасвирлари услуби»да ишланган ноёб санъат асарлари скиф санъати, скиф маданияти номи билан машкур. Мана шу дашт аҳолиси — С. нинг кундалик турмуш тарзи, кулояроғ ва от анжомларининг типи, скифларга хос кийимкечак ва уйрўзгор асбобускуналари жуда бирбирига ўхшашки, бу яқинлик скифсаклар этномаданий ҳаётининг туб маъно ва мазмунини ташкил этади. Ахоманий ҳукмдорларининг Бихистун китобаларит Сирдарё ортидаги кабилалар Саклар деб аталган. Геродот, «Тарих» асарида «форслар барча скифларни саклар деб атайдилар» деб ёзади. Подшо Доронинг Накши Рустам ёзувида Саклар «Парадрайя», («Тайтарадарайя», яъни денгиз ортидаги Саклар) деб тилга олинган. «Сак» атамаси аслида манбаларда ахоманийларгача маълум. Мас, Оссурия пойтахтидаги Иштар ибодатхонасини казиш вақтида мрамар тахтага подшо Ашшурбанипал (мил. ав. 669—631) ёздирган хат топилган. Хатда киммерийлар ва уларнинг сардори Тугдаммани Киликиядаги жангда ҳалок бўлгани, уни Саклар подшоси эканлиги эслатилади. Бихистун китобаларининг Аккадча нусхасида форслар ўзларига яқин қўшилари Сакларни «киммерийлар» атамаси билан тилга олади. Манбалар таҳ/шлидан тарихий ҳулоса шуки, сак ва киммерийларнинг бирлашган қўшинлари иттифоқи асосида ташкил топган бу янги сиёсий қуч қайси бир етакчи қабила номи билан аталмасин, манбаларда уларнинг жанговар кўчманчи орийлар эканлиги кўзда тутилган. Кад. тарихда Саклар довругининг бошланиши мил. ав. 8—7-а. ларда киммерии

ва скиф кабилаларининг Кора денгиз бўйлари ва Олд Осиёга юриши даврида юз берди. Унинг давоми Аму ва Сирдарё орти Сини ахоманий подшолари Кир II ва Доро билан бўлган жангу жадалларида намоён бўлди. Худди мана шу воқеалар асносида Сакларнинг ватани, хаёти ва урфодатлари, уругаймоклари ва уларнинг шим. ва шаркий кўшнилари хақида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Тарихчи Элиан (3-а.) С. да бир одат борлигини, унга кўра уйланишни истаган киши киз билан ер остидаги бинода қолиб беллашиши лозимлиги, агар кизни енголмаса, у кизнинг асири бўлиб қолиши хақида маълумот беради. Сак аёллари эркаклар б-н бир каторда жангларда иштирок этишган. Улар ёвни алдаш учун ёлгондан кочишга, худди эркаклардек от устида чошиб кета туриб оркаларига ўгирилиб камондан ўк отишга мохир бўлишган.

Тиграхауда («Чўкки калпокли» ёки «камондан ўк отувчи») Си билан жангга киришда Доро катта сувдан кема ва соллар ёрдамида сузиб ўтганлиги хақида хикоя қилади, таджикотчилар катта сув — бу Сирдарё бўлиши керак деб тахмин қиладилар. Доронинг тилла ва қумуш тахтачаларга ёздириб қолдирган тарихий лавҳаларида Доро салтанатининг шим. шаркий чегараси сугдлар мамлакатининг ортидаги Саклар юрти дейилган. Демак, Саклар мамлакати сугд ерларидан Сирдарё орқали ажралган. Доро ва унинг вориси Ксеркс (мил. ав. 486—464 й.) лавҳаларида ахоманийларга тобе яна бир сак қабила иттифоқи тилга олинади, улар хаумаварка (мукаддас хаома ичимлиги ичувчи) С и бўлиб, улар эгаллаган юртлар «МихрЯшта» мадхияларига кўра, Фаргона водийси ва Шаркий Туркистонга тўғри келади. Ксеркснинг Персеполь лавҳаларида тиграхауда ва хаумаварка Си билан бир каторда уларга қардош ва тиддош дахлар хақида гап боради. Ахоманий ёзувларида Эрондан шарқда бошқа сак кабилалари хақида хабар учрамайди. Аммо, юнонрим муаррихлари Сакларнинг бошқа турлари хақида кўп маълумотлар қолдирган. Мас, Геродот ортоқарибант Си (учли калпокли С), амюргия («дарё орти») С. и ва дахлар хақида сўз юритади. Адабиётларда уларнинг биринчиларини ахоманийларнинг тиграхауда ва хаумаварка Си билан ўхшашлиги таъкидланади. Фанда бу масалада турлича қарашлар мавжуд. Мас, А. Херман ва Б. Литвинскийлар, юнон муаллифлари тиграхауда Сини массагетлар иттифоқи билан бир эканлигини тахмин қилсалар, С. Г. Кляшторний Аррианта иктибос қилиб, массагетларни дахлар билан бир халқ деб таъкидлайди. Арриан мил. ав. 4-а. да дахлар Танаис ортида, яъни Сирдарё ортида ва Танаис бўйлаб яшаганлигини қайд қилиб ўтади. Арриан массагетларни айнан скифсак эканлигини Спшпамен қурашлари муносабати билан яхши баҳолаган. Арриан учун массагетлар Амударёнинг чал соҳилида истиқомат қилувчи ночор қабила жамоалари эди, Сугд билан гарбий чегарадош эди. Дахлар эса, аксинча, Сугдиёнанинг шим. шаркий кўшниси, Танаис (Сирдарё) водийсининг аҳолиси эди. Арриан дахларни совутларга ўралган жанговар суворий жангчилар, Доро харбий юришларининг сараланган отлик аскарлари сифатида таърифлайди. Демак, массагетлар қорвадор сакларнинг камбагал катламини ташкил этеа, дахлар уларнинг бадавлат кашами — орийлари эди. Геродотнинг ёзишича, Саклар аскарларининг бошларида қалин қизилдан тикилган, чўкки калпоклари бўлган. Улар сак ўк ёйлари, қалта қичлар (акинаклар), ойболталар (сагарийлар) билан қуролланганлар. Саклар ўзларининг харбий маҳоратлари, асосан, ўк ёй отишга усталиклари билан донг чиқарганлар. Қад. дунё муаррихлари Сакларни дунёдаги энг мохир мерганлар деб таърифлашган. Мил. ав. 238 й. да дах кабилаларидан бири парнлар Парфия давлатини тузган. Археолог К. Акишев Марказий Қозогистонда ўрганган «Тасмўла маданияти» сак қабила иттифоқига қирувчи

исседонларта тегишли эканлигини ёзади.

Мил. ав. 2-а. дан бошлаб Сакларнинг турли кабилалари жан. га (Хиндистон ва Эрон) силжиб ЮнонБактрия подшолигини тормор этишда катнашган. Эронда С кад. Дрангиёна вилоятида, Хамун кўли атрофига жойлашишган, бу ер Сакастон — саклар мамлакати, кейинчалик Сейистон, Систон деб аталган. Хиндистоннинг шим. гарбида, Гандхара вилоятида улар мил. ав. тахм. 1-а. да олимлар томонидан Хиндсак давлати деб аталган сиёсий бирлашма барпо этишган, бу давлатга мансуб тангалар топилган. Давлат асосчиси подшоҳ Мауэс бўлиб, унинг ворислари Аз, Азилис каби исмга эга бўлишган. Хиндсак давлати хиндпарфян сулоласи томонидан босиб олинган, кейинчалик Кушон подшолигита кўшиб юборилган. Хинд ёзма манбаларида сак этноними шака сифатида берилган, Хиндистонда Шака эраси мавжуд бўлгани маълум. Хитой ёзма манбаларида Саклар сз халки деб кайд этилган. Саклар астасекин Хиндистон, Эрон, Ўрта Осиёдаги халқлар, кабилалар таркибига сингиб кетганлар.

Ўрта Осиё ва Козогистон сак кабилалари маданияти хақидаги маълумотлар археологик тадқиқотлар туфайли кўлга киритилган. Мас, Или водийсида ўрганилган Бесшатир ёки Тагискен ва Иссик кўргонлари, Сирдарёнинг куйи хавзасида ўрганилган Уйгарак кўргонлари, Еттисув водийсининг сакараукийлари (сакаравллар ёхуд сакараваклар) ва б. Хуллас, Ўрта Осиё ва Козогистон чўлларида, асосан, чорвачилик хўжалиги билан шугулланган даштдилар Саклар этносини ташкил этган. Ўз даврида сугдларнинг бобокалонлари ҳам Ўрта Осиё икки дарё оралиги С. и бўлган. Массagetлар эса хоразмийларнинг бобокалонлари эди. Авестода тилга олинган турлар Турон заминнинг Си бўлганлиги шубкасиз. Шунингдек, Козогистон Саклар ининг бобокалонлари Андроново маданияти ахолиси (орийлар, дахлар ва Авестодаги турлар) бўлган.

«Саклар» атамаси «Саха» кўринишида Саха Республикасининг расмий номида сакланган.

Ад.: Геродот, История (в девяти книгах), Пер. с греческого, т.1, книга IV, VII, Л., 1972; Акишев К. А., Кушаев Г. А., Древняя культура саков и усуней долины р. Или, АлмаАта, 1963; Страбон, География. В 17 книгах, XI, Пер. Г. А. Стратановского, М., 1964; Ставиский Б. Я., Средняя Азия и ахеменидский Иран. Сб. «История Иранского государства и культуры», М, 1971; Дандамаев М. А., Данные вавилонских документов VI — V вв. до н. э. о саках, ВДИ, 1, 1977; Дьяконов И. М., К методике исследований по этнической истории («киммерийцы»). Сб. «Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности», М., 1981; Кляшторный Саклар, Султанов Т. И., Государства и народы Евразийских степей. Древность и средневековье. Санкт-Петербург, 2000.

Ахмадали Аскарлов.